

КПСС XXIII
СЪЕЗДИ
ШАРАФИГА

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР
ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

12 ИЛ ЧИҚИШИ
№ 228 (3200).
21
ноябрь
ЯҚШАНБА
1965 йил
Баҳоси 2 тийин



Б УКА районидagi 1-Пискент совхозининг деҳқонлари етти йилликнинг охириг йилини катта муваффақиятлар билан йиғнамоқдалар. Пахтадан кўтарилган хирмон ҳар қачонгидан ҳам баракали бўлди. Совхоз давлатдаги 7300 тонна унингга салкам 8300 тонна «оқ олтин» етказиб берди. Хўжалигининг ишбилармон деҳқонлари келгуси йилда ҳам ана шундай ютуқларга эришишни кўзлаб, ҳозирдан ҳам тараддудни қизитиб юбордилар. Дала ишлари конвейер усулида ташкил этилган. Пайнал ҳосилдан бушаши билан гузапоялар юлиб олинди, ер уғитланиб, кейин чуқур шудгор қилиб қўйилмоқда. Далаларга минерал ўғит сеппишда фазо лочинлари деҳқонларга катта ёрдам бермоқдалар. Ҳайдов транспортларининг механизаторлари эса ерни ҳам тез, ҳам соз шудгор қилиш юзасидан ўзаро социалистик мусобақани тобора авж олдиряптилар. Чапдаги суратда хўжалик даладарини шудгор қилиш пайти.

О кўл. Улар ўз самарали меҳнатлари, илгор иш тажрибаларини пухта эгallaб олганликлари туфайли мамоат чорвачилигини ривожлантиришга, эл дастурхонига мўл-кўл ўғит, сут ва туҳум етказиб беришга ўзларининг катта улушларини қўшмоқдалар. Набира Муродова ҳам ана шундай олий-ҳиммат чорвадорлардан биридир. У Оржоникидзе районидagi Ленин номи колхозда сут соғувчи бўлиб ишлайди. Бирор йили йўқини, Набира топшириқини ортиғи билан адо этмаган бўлсин. Бу йил ҳам шундай бўлди: пешададан сут соғувчи йиллик планни муддатидан анча илгари бажариб қўйди. Шу кунларда у ўз зиммасига олган юксак социалистик мажбурият ҳисобига сут соғиб оляпти. Ундаги суратда ўртоқ Набира Муродовани қўриб турсиниз.

А. Малышев ва А. Тўраев фотолари.



МУСОБАҚА ГОЛИБИ

Область партия комитети, область ижроия комитети ва область касаба союзулари совети шаҳар ва район саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ва алоқа ташкилотлари ўртасида 1965 йил III кварталда бўйича бошланган социалистик мусобақа якунларини қўриб чиқдилар.

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети, область ижроия комитети ва область касаба союзулари совети қўйма Қизил байроғи Оржоникидзе районига берилди. Районда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш III кварталда 101 процент бажарилган. Капитал маблаг сарфлаш 129,9 процент ўзлаштирилган. Қурилиш-жон-таж ишлари планни 100,3 процент адо этилган. Районда меҳнат унвдорлиги бўйича белгиланган кўрсаткич ҳам анча ортиғи билан бажарилиди.

Чирчиқ ва Оҳангарон шаҳарлари саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ва алоқа ташкилотлари коллективлари ҳам III квартал давомида яхши меҳнат қилганликлари қайд қилинди.

АТОҚЛИ ЛЕНИНЧИ— РЕВОЛЮЦИОНЕР

Коммунист партия ва Совет давлатининг атоқли арбоби М. И. Калинин туғилган кунининг 90 йиллигига бағишланиб, пойтахт меҳнаткашлари ва жамоат ташкилотлари вакилларининг тантанали йиғилиши ўтказилди. Бу йиғилиш 19 ноябрда Союзлар уйининг колонна залда бўлиб ўтди.

КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг раиси А. Н. Микоян, СССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари Н. Г. Игнатова ва Е. С. Насриддинова, СССР Олий Совети Президиумининг аъзолари С. М. Будиёв ва К. Е. Воронцов, КПСС Марказий Революция комиссиясининг раиси Н. А. Муравьева, Михаил Иванович билан бирга ишлаган партия ветеранлари йиғилиш президиумида ўтиришди.

КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари Н. А. Кузнецов кириш нутқи сўзлаб йиғилишни очди. СССР Олий судининг раиси А. Ф. Горкин доклад қилди.

ЎЗБЕК ҚЎШИҚЛАРИ

Бугун ўзбек қўшиқлари қаерда йиғилди? Ўзбекистон Давлат филармониясининг хор капелласи артистлари ўзбек қўшиғини узок Болтин бурига олаб келишди. Улар Эстония, Латвия, Литва шаҳарлари ва кишлоқларидаги театрларда, концерт залларида «ики ой давомида гастролда бўлишди» деган талабномалар билан, нўшиқларида гузал Тошкент ҳақида кўйлашди.

Ўзбек қўшиғи киевликлар ҳузурига ҳам йўл олди. Бу ерда СССР халқ артисти С. Қобулова ва республикада хизмат кўрсатган артист А. Азимовлар бир неча концерт кўрсатишди.

(Узтаг.)

ЭКОНОМИСТЛАР ТАЙЁРЛАШ КУРСЛАРИ

«Экономикани яхши биладиган инженер ва техниклар керак». «Планчиларга муштокчи». Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг бундай талабномалар тобора тез-тез келиб турибди. Талабномалар сони КПСС Марказий Комитети сентябр Пленумидан кейин аниқсиз кўпайиб кетди.

Министрликда Ўзбекистон телеграф агентлигининг мухбирига кўндала маълумотларни айтиб бердилар: ҳозир республикада ўн тўрт иختисос бўйича олий маълумотлиқ экономист кадрлар тайёрланмоқда. Шу иختисосларни эгаллаётган студентларнинг жами сони саниқиз минг кишидан ошди. Яқинда ташкил қилинган Маргилон план. итисод техникуми нурилиш ва савдо ташкилотлари учун планчилар, шунингдек бухгалтер ва товароведлар тайёрлаб чиқаради. Техникумининг кундузги, кечки ва сиртқи бўлимларида мингга яқин йиғит ва йиғи ўқимокда.

Халқ хўжалигининг талаблари тобора кучайиб бораётганлигини назарда тутиб, олий ва ўрта

ТАРАДДУД

Яқингинада поёнсиз пахтазорларга оқ чойлаб ёнгандек ошпоқ эди. «Зангори кема»лар сузиб юрган «оқ олтин» водисиди мана бугун қудратли тракторлар ҳайқирғи кеча-кундуз тинмайди. Ўғитланган ва плуглар агарди майин тупроқ ҳосил қилаётган далалар бугунги кунда қўнғир либос кийган. Уста деҳқонлар ҳосилин тезроқ йиғиштириб олиб, карталарини пешма-пеш шудгорга тайёрлаб беришмоқдалар. Занжирли тракторларини моҳирлик билан бошқараётган меҳнатсевар «пўлат от» чаваңдозлари эса ғайрат билан бошламоқдалар.

Колхоз раиси, партокм секретари, агроном ва ижтисоди кеча-кундуз тиним йўқ. Улар гоҳ кўсак терилётган пайкалларда бўлсалар, гоҳ гузапоя юлишгаётган участкаларда одамлар билан гаплашиб, алланималарини ўқитиб турган ҳолда қўринадилар. Бригада ва звено бошлиқлари фурсатини танитиб олиб, иш суръатига қамчи босмоқдалар. Бугун шудгор қилинаётган мана шу далалардан колхоз мўл ҳосил етиштириш ва уни мисли қўрилмаган даражада жуда тез йиғиб-териб олади. План 27 иш кунинда бажарилиди. Шу давр ичда 2900 тонна пахта йиғиб олинди. Бундан 600 тонна машиналарда терилди.

Агар терим агрегатларини бунчалик кўп ишга соллаганимизда одди, планни бунчалик тез фурсатда бажаролмаган бўлардик, — дейди колхоз раиси Мамедов. Иккинчи тул қизини тус олган кунларда 35 та «зангори кема» ишлаб турди. План тўлиди деб рапорт ёзганимизда яна 600 тонна пахта берамиз деб айтган эдик. Ҳозирча шу пахтанинги яримдан қўнғини топириб қўйдик. Давлатга сотилган пахта 3130 тоннага етди. Гектаридан олинган ҳосил пландаги 24 центнердан 26 центнерга кўпайди.

Колхозда план тўлган кундан бошлаб далаларни ҳосилдан батамом тозалаш иши қизиб

ган тус олиб кетган эди. Колхоз правленееси ва партия ташкилоти ҳайдов тракторларининг кеча-кундуз унумли ишлашини таъминлаш учун барча шароитларни яратиб бердилар. Ер ҳайдовчи тракторчилар ўртасида ўртачирчиқлик механизаторларнинг мактуби муҳокама қилиниди ва улар шудгорлашни ноябрь ойи ичи тугаллашмиз, деб сўз бердилар. Ҳар бир тракторчи ана шу мақсадда фидокорлик билан меҳнат қилмоқда. С-100 маркали кучли тракторини бошқараётган Д. Серков кундалик нормасини бир ярим киши ҳиссага етказиб адо этмоқда. Унинг шерикларидан Х. Қўчмев, З. Бодиршов, З. Богатов ўртоқлар ҳам ҳар сменада 6—7 гектардан ерни сифатли шудгор қилмоқдалар.

Шудгорнинг сифати устидан агроном, бригадирлар ва звено бошлиқлари пухта назорат ўрнатдилар. Ер ҳайдайдан олдин маҳалани ва минерал ўғит билан белгиланган мўлдорда ўғитланмоқда. Ер чеккалари, бурчаклари ҳам қолдирилмай, бир текисда ҳайдалмоқда.

Шу кеча-кундузда колхоз қишлоғида бўлсангиз, тракторларнинг тинмай гуриллаб ишлаётганлигини, поёнсиз пахтазорларни шудгор қилаётганини, деҳқонлар келгуси йил мўл ҳосили учун пухта замин тайёрлаётганлигини кўрасиз, уларнинг ишдан қувонасиз.

Яқини бўлган «Интернационал» колхозининг фидокор ишчилари деҳқончилида ҳар бир ишчи ўз вақтида бажариб қўйиш мўл ҳосил етиштиришнинг асосий шартларидан эканлигини жуда яхши биладилар. Улар жононган партияликнинг XXIII съездида муносоиб соғна тайёрлаш мақсадида кузги-киши ишларини намунали йўлга қўйганлар. Бугунги ютуқларини мустаҳкамлашмиз, келгуси йилда ҳам шундай галабаларга эришамиз, демаклар.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

2350 ТОННА САБЗАВОТ

Калинин районидagi «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхозини аъзолари КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларини амалга ошира бориб, ишлаб чиқаришда катта галабани қўлга киритдилар. Деҳқонлар 2350 тонна сабзавот сотиб, йиллик планларини муддатидан олдин муваффақиятли бажардилар.

Мўл сабзавот етиштиришда Н. Саидов, М. Ҳақимов ўртоқлар раҳбарлик қилган бригадаларнинг аъзолари айниқса намунали ишладилар. Ўртоқ С. Гиёсов бошлиқ бригаданинги иш ҳам ўрнат бўларидилар. Бригада азаматлари олти гектар майдондаги пивдадан пландаги 90 ўрнига 140 тоннага яқин ҳосил йиғиштириб олиб, ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини ошириб бажардилар.

Колхоз сабзавотчилари эришилган ютуқларини мустаҳкамлаб, қўшмача равишда давлатга 550 тонна сабзавот етказиб беришга аҳд қилдилар.

Ж. САЪДУЛЛАЕВ.

ЯНГИ ЕРЛАР ЎЗ- ЛАШТИРИЛЯПТИ

Бекобод районининг хўжаликлариди фойдаланилмай ётган ерларни ўзлаштириш ва улардан тўғри фойдаланишга эътибор берилмоқда. Бу йил районда минг гектарга яқин қўриқ ва бўз ер ўзлаштириш кўзда тутилмоқда. Ёрларни текислаш ва тартибга солишда район қўрилмиш-монтаж бошқармасининг коллективни муносоиб ҳисса қўйишти.

КПСС XXIII съезди шарафига бошланган социалистик мусобақада қўшилган ишчилар эъри ғайрат кўрсатишмоқда. Улар «Октябрь 46 йиллиги» совхозидидаги бўш ерларни ўзлаштиришмоқдалар. Ҳозир бу ерда 7 та экскаватор, 18 та бульдозер, 14 та скрепер икки сменда ишлаб турибди. В. Агафонов, Н. Хастанов, И. Умаров, С. Иброҳимов, У. Алиев каби бульдозерчи ва скреперчиларнинг баракали меҳнат қилишлари сабабли ойлик план бир ярим баравардан ошириб бажаришмоқда.

Ишчилар қисқа вақт ичда 600 гектар қўриқ ерни ўзлаштириб қўйдилар.

Э. КИРҚБОЕВ.

ПУХТА ЗАМИН

Юқори Чирчиқ районидagi «Полатотда» колхозининг Юсуф Басидий бошлиқ қилаётган бригада лубкорлари ажойиб меҳнат зафарига эришдилар. Улар 171 гектар ерда эскилан канопнинг ҳар гектаридан 170 центнердан ҳосил олиб, планни белгиланган муддатидан олдин бажаришди. Бу бежиз эмас, албатта. Улар ишнинг қўнғини билишди, шунинг учун ҳам ҳар йили олтин кўз ўзининг саҳилигини кўрсатяпти.

Бригада деҳқонлари ҳар йили кўзга шудгорлашни минерал ўғитлардан фойдаланиб, барвақт ўтказибдилар. Бу йил ҳам ер ҳайдовчи ишлари алаҳқабда ҳозир қўйилди. Механизаторлардан А. Мўҳинов, Т. Назиров ўртоқлар С—80 тракторлари билан қўнғини 10—12 гектар ерни 35—40 сантиметр чуқурликда ҳайдадилар. Шундай қилиб бригадани ҳозирнинг ўзидаёқ келгуси йил мўл ҳосилга пухта замин яратиб қўйди.

Э. ИСҲОҚОВ.



Бу йил Ўрта Чирчиқдаги «Северный маяк» колхозининг деҳқонлари шолдан баракали хирмон кўтардилар. Ҳозир хўжаликда давлатга шол сотиш қизиган давом эттирилмоқда. Суратда: колхоз шолкорининг бригадасининг бошлиғи Цой Се Чун ва звено бошлиғи Константин Ким (унг. да) ўртоқлар эл дастурхонига тортиқ қилинаётган шолнинг сифатини кўздан кечирмоқдалар.

М. Нуриддинов фотоси.

Халқаро ажвол

ФАВҚУЛОДДА СЕССИЯ

ДОРУССАЛОМ. 19 ноябрь. (ТАСС). Жанубий Вьетнамнинг овоз қилиш армиясининг жангчилари 500 кишидан иборат нуф билан бугун Сайгондан аттиги 19 километр масофда кўнғирчоқ режимни деңиз пивда қўшинлари қисмига дағил хўжум қилишган. Ассошиэтед Пресс агентлиги Сайгон мухбирининг хабар беришига қараганда, бу Сайгон райониди ва-

Ташкилотининг Жаңибий Родезиядаги арчилик режимида қарши қўриш мўлким бўлган сийдай ва ҳарбий чораларичи ўрганиб чиқмоқда. Африка Бирлиги Ташкилотининг мудофиа масалалари билан шугullanувчи махсус комитети Африка Бирлиги Ташкилотига аъзо бўлган давлатлар бошлққларининг ақсиди Аккрада (Гана) бўлиб ўтган ассамблеясида таъсис этилган эди.

ДАДИЛ ХУЖУМ

НЬО-ЙОРК. 19 ноябрь. (ТАСС). Жанубий Вьетнамнинг овоз қилиш армиясининг жангчилари 500 кишидан иборат нуф билан бугун Сайгондан аттиги 19 километр масофда кўнғирчоқ режимни деңиз пивда қўшинлари қисмига дағил хўжум қилишган. Ассошиэтед Пресс агентлиги Сайгон мухбирининг хабар беришига қараганда, бу Сайгон райониди ва-

танпарварларнинг энг катта хўжум операцияларидан бири бўлган. Озодлик армияси жангчиларининг Жаңибий Вьетнам деңиз пивдалари позициясига қўнғисдан хўжум қилишдан олдин душманни қалғитиш учун Жанубий Вьетнам пойтахти зонасида жойлашган маъмурий марказлардан бирига зарба берилди.

ИШ ТАШЛАШ ВА НАМОЙИШЛАР

А Қ Ш

ЧИЛИ

НЬО-ЙОРК. «Макдонел Эйркрафт» самолёт-ракета корпорациясини меҳнатчилардан 17 мингдан кўпроқ киши Сент-Луисдаги заводлари ва Кеннеди бурунлидаги космик марказда иш ташлашди. Иш ташловчилар иш ҳақининг оширилишини талаб қилмоқдалар.

Забастовна натижасида «Женнинг» космик кемаларини ва «Рантом» кирувчи самолётларини ишлаб чиқариш тўхтатиб қолди.

«Санта Фе» компаниясини темир йўл хизматчилари касаба союзи аъзолари 9 минг киши забастовнага бошлади. Улар Чикагодан тортиб, Сан-Францискогача бўлган темир йўллардаги вокзалларга пикетлар қўйдилар. Ана шу компаниянинг бошқа 35 минг ишчиси иш ташловчилар билан бирдмалик юзасидан компаниянинг жами узунлиги 13 минг миллин ташкил қилган барча темир йўлларида ишнинг тўхтатиб қўйилди, деб таъхмин қилмоқдалар.

Темир йўл хизматчилари касаба союзининг раиси Деннис бундай дейди: компания ишчиларини алдақчоқ ҳақиланотиряётган кўнғинга масалаларини ҳал қилишни пайсалга солётганлиғини савбаби ана шу забастовна ташкил қилинди. Булар — иш ҳақини ошириш, меҳнат шартини яхшилаш, касалларга отпуск бериш масалаларидир.

Лос-Анжелосда чиқадиган ва АҚШда энг йирик бўлган кундалик кечки «Геральд Ньюзминер» газетаси нарийштириб ҳодимлардан 1 мингга яқин киши ишга чиқмади. Забастовна иш ҳақининг оширилиши ва меҳнат шартининг яхшиланишини тўғрисидаги талабларни қўллаб-қувватлаш юзасидан эълон қилинди.

АНГЛИЯ

ЛОНДОН. Рўзгор ишдаги аёллардан 2 минг киши Бирмингемдаги мон дўнони олдиди қаторлашиб турди. Бошқа бир жойда бир неча кварталгача қўнғилиб кетган наваб транспорт ҳаракатини тўсдиб қўйди. Кўчада тартиб ўрнатмоқ учун полициянинг аралашуви талаб қилинди. Кўнғина магавизилар мон сотиш нормасини белгилаб қўйишган. Бу эса нововояна ишчиларининг забастовнаси натижасида рўй бермоқда. Забастовна Вуюк Британиянинг кўнғина районларига ёнган. Нювоиллар иш ҳақининг оширилишини ва иш вақтининг қисқартирилишини талаб қилмоқдалар.

Ғарбий Шотландиядаги 65 мактабнинг 500 дан кўпроқ ўқитувчиси иш ҳақининг оширилишини тўғрисидаги ўз талабларини қувватлаш юзасидан забастовнага эълон қилди.

Лондон докерларининг забастовнаси муваффақият билан тугади. Докерлар корхона ағдарилган иш ҳақининг оширилишига эришдилар.

ИНДОНЕЗИЯДАГИ АХВОЛ

ЖАКАРТА, 19 ноябрь. (ТАСС). «Берита Юдха» газетаси куйидагиларни хабар қилди: Ғарбий Ява ҳарбий округининг кўмондони генерал-майор Иброҳим Аки Ғарбий Явадаги ном. мунистин партияни ва у билан боғлиқ бўлган барча ташкилотларни тарқатиб юбориш тўғрисида бурун берди. Маълумки, Ғарбий Явада Индонезия коммунист партиясини ва бошқа прогрессив ташкилотларнинг фаолияти генерал Иброҳим Аки томонидан бир ой муваддат вақтинча таъқиқлаб қўйилган эди.

Мамакатнинг бошқа районларида ҳам сўл кучларни таъқиқ қилиш давом этмоқда. Ҳарбий маъмурлар утган ҳафта ичда Чилалла райониди (Марназий Ява) «деҳқонлар фронти» аъзолари бўлган деҳқонлардан 900 кишини қамоққа олганлигини Бандунда чиқадиган «Пинира-Рангит» газетаси неча хабар қилди. Шимолий Суматрадаги Ахна Бату қишлоғида деҳқонлардан 113 киши қамоққа олинган.

ТЕМИРИЎЛЧИЛАР НОРОЗИЛИГИ

ПАРИЖ, 19 ноябрь. (ТАСС). Жанубий Родезиянинг африкалик темир йўлчиларидан 2 мингдан кўпроқ киши забастовнага эълон қилди. Жанубий Родезиянинг саноат маркази бўлган Булавайодаги ремонт устаканлари уш ишнинг деярли батамом тўхтатиб қўйган.

Франс Пресс агентлигининг мухбири хабар беради: Булавайода бир неча фабрика ёпиб қўйилган. Бу фабрикаларда ҳам африкалик ишчилар забастовнага ўтказмоқдалар. Бу Лавайо шахрининг атрофи «тартиб ўрнатувчи» полициячиларга тўлиб кетган.

Жаё операцияларини фотосуратга олган бир неча айнабий мухбирлар полиция участкасига олиб келиниб, сўроқ қилинган. Бу мухбирларга суратга олишни таъқиқлаганлар.

КОНГОДА ФИТНА

БРАЗЗАВИЛЬ, 19 ноябрь. (ТАСС). Бугун Леопольдвил радиосини Конгода (Леопольдвил) фитна фож этилганлигини, бу фитнага «Бельгиянинг ҳарбий ва техника ёрдами кўрсатувчи миссияси» ҳодимлари аралашганлигини хабар қилди.

Фитна қандай ташкил этилганлиги ва фож этилганлиги, шунингдек фитна нимага қарши қаратилганлиги ҳусусида Леопольдвил радиосининг хабарига бетафема маълумот берилмади. Вироқ, Леопольдвилдаги «Прогресс» газетасида босилган хабардан белгилар ҳарбий негаватчиларнинг бу фитнаси Эварист Нкима хўкуматига қарши қаратилганлиги оқиқ сезилиб турибди. Чунки бу, ах, кўмак қўшни мамлакат билан, ях, кўмак Конго (Браззавиль) билан муносабатларни ривожлантириш чораларини кўра бошлаган эди.

ФИТНАНИНГ ФОШ ЭТИЛИШИГА ДОИР

БРАЗЗАВИЛЬ, 20 ноябрь. (ТАСС). Леопольдвил радиосининг бугун кечтурунги аштитиришда айтилган. Конго (Леопольдвил) хавфсизлик оргавлари фож қилган фитнада «Бельгиянинг ҳарбий ва техника ёрдами кўрсатувчи миссиясида» ишлаб турган «Бельгиянинг офицерлардан бир нечаси, шу жумладан бир полковник, бир майор ва икки учуви» қатли қилинганлар. Бу фитнанин мақсади мамлакатда галабалар чиқартиришдан ва республиканин бир қанча сиёсий арбобларин қамоққа олишдан иборат бўлган.

БИЛЕТЛАР СОТИБ БУЛИНДИ

РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО, 19 ноябрь. (ТАСС). СССР ва Бразилия терма футбол командаларининг яқинда кунин катта «Маракана» стадионида ўтказиладиган матчида ҳамма билетлар аллақанда сотилиб бўлди. Футбол ишчибозлари яхши футбол ўйинини кўриш ундаида бўлсалар, керак, Зотан, машхур футболчи Пеленинг ўзи ҳам «ўйин қийин бўлади» деди.

